

## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-мартда республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 672,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 125,4 фоизни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 149,0 млрд. сўмни ташкил этди.

### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>672,4</b>	<b>125,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>64,3</b>	<b>69,8</b>	<b>9,5</b>
бюджет маблағлари	17,5	29,8	2,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	13,6	78,7	2,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	-	-	-
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	33,2	12,4 м.	4,9
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>608,1</b>	<b>136,2</b>	<b>90,5</b>


	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
корхоналарнинг ўз маблағлари	255,9	102,8	38,1
аҳоли маблағлари	135,7	157,8	20,2
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	115,9	237,9	17,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	100,6	150,5	15,0

**2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>672,4</b>	<b>45,3</b>	<b>627,1</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	67,5	48,9	68,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	24,6	32,7	24,1
Бошқа ҳаражатлар	7,9	18,4	7,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 11,9 фоизли пунктга ошган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 0,6 фоизли пунктга купайган ҳамда бошқа ҳаражатларнинг улуши 12,4 фоизли пунктга камайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестиция ва кредитлар  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2018 йил январь-мартда умумий майдони 203,4 минг кв.м. бўлган 1364 та (2017 йил январь-мартга нисбатан 181,6 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 54,7 минг кв.м. (113,0 фоиз) 427 уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 200,6 млрд.сўми ёки 29,8 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 5,8 км. узунликдаги ичимлик суви, 1,5 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди бу 2017 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 85,3 ва 23,8 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 53,0 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 19,7 млн. сўм, давлат бюджети маблағлари ҳисобига 33,3 млн. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса аҳоли маблағлари ҳисобига 21,1 млн. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-мартда 402,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 119,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,2 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 9,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 21,8 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 391,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,2 фоизни (2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 119,0 фоизни) ташкил қилди.

**Январь-март ҳолатига мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

